

# O'ZBEKISTON

№54 (403)

2020 йил 14 июль, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана


f UZBUNYODKOR

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@umail.uz



## ЗИЁРАТГОҲДА РЕКОНСТРУКЦИЯ ИШЛАРИ ТЎЛИҚ ТУГАЛЛАНДИ



Наманган вилояти Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қараний зиёратгоҳида реконструкция ишлари тўлиқ тугалланди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил Наманган вилоятига ташири чоғида мазкур қадамжони қадимий усулда таъмирлаш, кенг ва обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш, масканда кутубхона ташкил этиш бўйича тавсиялар берган эди. Утган вақт давомида зиёратгоҳда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, унинг таркибидаги масжид, мақбара, музей реставрация қилинди, кутубхона, меҳмонхона бунёд этилиб, ён-атроф ободонлаштирилди.

Бугун ободлик касб этган мажмуада зиёратчилар учун барча қулайликлар муҳайё.

Суратларда: Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қараний зиёратгоҳида.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

### БУГУНГИ СОНДА:



ТАҚИ:  
абитуриентларга барча шароитлар яратилган

2



Приглашение для участия в национальных конкурсных торгах

3



Воҳада карантин зонаси тайёр ҳолга келтирилди

4

Қурилиш ва бунёдкорлик ишларига қаратилаётган юксак эътибор натижасида соҳада беқиёс ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жиззах вилоятининг барча шаҳар ва қишлоқлари меъморий қиёфаси тубдан янгиланмоқда.

## ЖИЗЗАХ кўркига кўрк қўшадиган осмонўпар бинолар



Шу кунларда Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласи томон йўлингиз тушиб, ўтиб қолсангиз, жуда катта қурилиш ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Маҳалла ҳудудидаги 11,6 гектар ерда бунёд этилаётган ҳар бири етти қаватли турар жой ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган замонавий бинолар эътиборингизни тортади.

Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган Жиззах шаҳрининг бош режасига асосан жуда

катта ҳажмдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, айни пайтда бош режада белгиланган қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

– Бутун дунёда бўлгани каби, мамлакатимизда ҳам ер тақчиллиги сабабли биноларни энгиз эмас, бўйига қараб барпо этишга киришилди, – дейди вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Эргаш Қўлдошев. – Жиззах шаҳрида ҳам бу йил илк бора Олмазор маҳал-

ласи ҳудудида тажриба тариқасида барча қулайликларга эга бўлган 16 қаватли турар жой биноларини қуришга киришдик. Келажакда ана шундай уйлар кўплаб қурилади. Ҳар бири 80 хонадонга мўлжалланган бу уйлар замонавий меъморчиликнинг сўнгги ютуқлари асосида, яъни монолит услубида бунёд этилаётир.

– Утган асрнинг саксонинчи йилларида Учтепа шаҳарчасида монолит уйлар қурилган-

нидан хабаримиз бор. Ўша даврда бунёд этилган икки қаватли коттеж уйлар қишда зах ва совуқлигидан, ёзда эса иссиқ ва димлигидан аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлганди. Ўзини оқламаган бундай лойиҳалар асосида қурилаётган монолит уйларни аҳоли унчалик ҳам хушламади. Шунинг учун ҳам бундай турар жой биноларини қуриш тўхтатилганди.

(Давоми 2-бетда)

OSTEN

LIFTLAR VA ESKALATORLAR  
ЛИФТЫ И ЭСКАЛАТОРЫ

Yuqori energiya tejamkorlik  
Высокое энергосбережение

Sifatli / Качество  
Ishonchli / Надежность  
Xavfsiz / Безопасность



+998 95 561 11 11  
+998 99 010 40 00  
+998 99 010 00 92  
www.texnopark.uz

# ЖИЗЗАХ кўркига кўрк қўшадиган осмонўпар бинолар

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Сизни яхши ташундим. Қурилишда инсоляция деган ташунча бор, – дейди суҳбатдошимиз. Ҳар қандай бино ва иншоотни лойиҳалаштириш жараёнида инсоляция қоидаларига амал қилиниши зарур. Лойиҳачи бунда бино қуриладиган ҳудуднинг географик жойлашувини, кўёш чиқиши ва ботиши, шамолнинг қайси томондан эсиши каби бир қатор омилларни ҳисобга олиши зарур. Инсоляцияга амал қилинса, ҳар қандай бинонинг барча хоналарига кўёш нурининг тушиши таъминланади. Энг муҳими, бинодо тоза ҳавонинг бир метрда айланшига эришилади. Ана шу тамойилларга амал қилинса, хона ҳароратининг мўтадиллиги ошади. Шунда хоналар қишда зах, ёзда жазирамадан ҳимояланади. Бу инсон ҳаёти ва саломатлиги учун ўта зарурдир.

Шуни таъкидлаш керакки, бунёд этилаётган 16 қаватли уйларни лойиҳалаштиришда қурилиш ва

меъморчилик қонун-қоидаларининг барча жиҳатлари ҳисобга олинган. Энг муҳими, турар жой бинолари замонавий Туркия технологияси асосида, энергия тежамкор ашёлардан қурилади. Бундай ашёлардан бунёд этилган бинолар жаҳон андозаларига тўла-тўқис жавоб беради.

– Жиззахда илк бор бунёд этилаётган 16 қаватли турар жой биносини қуришдек масъулиятли вазифа зиммамаизга юклатилди, – дейди бош пудратчи «Бобур-Темур» қурилиш материаллари масъулияти чекланган жамияти раҳбари Маҳмуд Турсунов. – Жамоамиз юксак ишонччи оқлашга астойдил бел болаган. Айни пайтда бино қуриладиган майдоннинг пойдевороти тайёр бўлди. Эрта-индин пойдевор қуришга киришамиз. Туркиянинг энг замонавий технологияси асосида бунёд этиладиган монолит уйларнинг ҳар бир қаватини кўтариш аниқ режа-дастур асосида олиб борилади.

Туркия технологиясининг энг муҳим жиҳатларидан бири шуки, қу-



риляётган бинонинг бир қаватини бунёд этиш учун атиги 3 кун керак бўлади. Қурувчи девор оралиқларидаги каркасларни тайёрлаб олгач, опалубка ўрнатади. Механизмлар ёрдамида тўсинлар оралиғини бетон қоршмаси билан тўлдириш учун атиги 56 дақиқа талаб этилади. Шундай қилиб, бинонинг биринчи қавати деворлари бор-йўғи 72 соатда тикланади. Бунга каркаслар қўйиш, опалубка ўрнатиш, бетон қоршмаси қўйиш ва қоршманинг тўлиқ қотиши ва қолипларни олиш жараёнлари кирди.

Айни пайтда мазкур 16 қаватли уйларнинг қурилиши «Бобур-Темур» қурилиш материаллари ва «Zinatkor» масъулияти чекланган жамиятлари томонидан олиб бориляпти. Турар жой биноларининг ҳар жиҳатдан қулай, шинам ва замонавийлиги кўпчилик эътиборини

тортяпти. Ҳозирда нафақат шаҳарликлар, балки кўшни туманларда истиқомат қилувчилар ҳам ана шу уйларни сотиб олиш истагини билдираётдилар.

Бу йил Жиззах шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгайган. Шаҳарнинг «Ўзбекистон» кўчаси кенгайтирилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозир бу ерда 7 та 9 қаватли замонавий турар жой бинолари, Ўрта Осиёда ягона бўлган «Велотрек» мажмуаси ва бир қатор маданий-маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари барпо этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, яқин йилларда Жиззах шакли-шамойили янгича қиёфа касб этган энг гўзал шаҳарлардан бирига айланади.

Бекпўлат ТОҒАЕВ.

Манба: Жиззах вилояти ҳокимлиги расмий сайты.

# ТАҚИ: абитуриентларга барча шароитлар яратилган

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 июндаги «2020-2021-ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги қарорига кўра Тошкент архитектура-қурилиш институтига бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг кундузги таълим йўналишларига жами 1 125 та ўрин ажратилган. Магистратурада 160 та ҳамда бакалаврлар тайёрлаш бўйича сиртқи таълим йўналишларига 325 нафар ёшларни қабул қилиш кўзда тутилган.



2020-2021 ўқув йили мазкур олий билим даргоҳининг кундузги бўлимига 18 та таълим йўналиши бўйича қабул жараёнлари амалга оширилади. Иқтисодий ҳамда Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси таълим йўналишларига илк бор абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Булардан ташқари, магистратура йўналишига ҳам қабул ташкил этилган бўлиб, уларда Иқтисодий, Уникал биноларни лойиҳалаштириш ва қуриш, Бино ва иншоотларни конструктив лойиҳалаш ҳамда Боғланувчан қурилиш материаллари технологияси каби янги мутахассисликлар жорий этилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 2020 йил 19 июндаги баёни билан бир қатор ёшларга имтиёзлар белгиланди, – дейди ТАҚИ 2020-2021 ўқув йили учун қабул комиссиясининг масъул котиби Исроил Алиев. – Умуман, ногиронлиги бўлган шахслар учун 22 та кундузги ва 7 та сиртқи бўлимда жами 29 та квота ажратилган бўлса, 14 нафар «Меҳрибонлик уйи» ва болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимларни қабул қилиш имконияти мавжуд. Уларнинг 11 нафари кундузги ва яна 3 нафари сиртқи бўлимда таҳсил олишлари мумкин. Ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандлари учун 4 та, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун кундузги таълим шаклига 7 та гранд ва 49 та контракт-шартнома асосида, жами 56 та, шунингдек, сиртқи таълим шакли учун 16 та ўрин ажратилган.

Пандемия шароити туфайли кўнрақ соҳалар вақтинча тўхтатилди, айрим давлат ташкилотлари ўз фаолиятини масофадан туриб юритмоқда. Таълим тизимида вазиятга тўғри баҳо берилган ҳолда ҳозирда қабул жараёнлари онлайн тарзда амалга оширилиб, абитуриентлар таълим даргоҳларининг расмий сайтидан рўйхатдан ўтишлари йўлга қўйилган. Бу жараёнда Тошкент архитектура-қурилиш институтида абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат этишлари учун «CALL марказ» ташкил этилган бўлиб, душанбадан шанба кунига қадар соат 9.00 дан 18.00 гача бўлган вақт оралиғида батафсил жавоблар олиш мумкин бўлади. Эътиборли жиҳати, бу ерда ўрнатилган ахборот технологиялари воситалари ёрдамида бир вақтинчи ўзида 6 та мурожаатга жавоб бериш имконияти мавжуд. Шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлар учун «Маслаҳат маркази» фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг ҳужжатларини Давлат тест маркази маълумотлар базасига киритиш мақсадида интернет тармоғига уланган компьютерлар ўрнатилган.

Қабул жараёнида фаолият олиб борадиган барча ходимлар ва ҳужжат топширувчи фуқаролиги бўлмаган абитуриентлар учун санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинган ҳолда ушбу билим маскани дарвозаси олдида хлорли душ кабинаси ўрнатилган, ходимлар ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. «Маслаҳат маркази»да абитуриентлар ходимлар билан мулоқот қилишлари учун 2-2,5 метрлик масофани сақловчи махсус ойналар ўрнатилган.

**МАЪЛУМОТ УЧУН:** бугунги кунда институтда Архитектура, Бино ва иншоотлар қурилиши, Муҳандислик қурилиш инфраструктураси ва Қурилиш бошқаруш факультетлари мавжуд бўлиб, уларда Дизайн, Архитектура, Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш, Қиймат инжиниринги, Геодезия, картография ва кадастр, Бино ва иншоотлар қурилиши, Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтаж, Гидротехника қурилиши каби 18 та таълим йўналиши бўйича 4 минг нафарга яқин бакалаврлар ҳамда Дизайн, Геодезия ва картография, Бино ва иншоотлар архитектураси, Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш, Ландшафтлар архитектураси, Бино ва иншоотлар қурилиши, Қурилиш ташкил этиш технологияси, Қурилиш иқтисодиёти, Гидротехника иншоотлари, Кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқариш каби мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

– Пандемия шароити туфайли айрим таълим йўналишлари соддалаштирилмоқда, – дейди суҳбатдошимиз. – Яъни, 2020-2021 ўқув йили қабул жараёнлари учун бакалавриятда Архитектура, Архитектура ёдгорликлари реконструкцияси ва реставрацияси, Дизайн ва архитектуравий муҳит дизайни каби таълим йўналишларида хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ижодий имтиҳонлар дастурлари соддалаштириб тузилди. Ижодий имтиҳонлар дастури ҳамда баҳолаш мезонлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда институт раҳбарияти томонидан тасдиқланган бўлиб, Дизайн ва архитектуравий муҳит дизайни таълим йўналиши учун ижодий имтиҳонлар эса Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 3 июлдаги 191-сонли буйруғи билан амалга оширилади. Абитуриентларга яна бир қулай шароитни яратиш мақсадида Дизайн ва архитектуравий муҳит дизайни таълим йўналиши бўйича ўтказиладиган 2 та ижодий имтиҳон бир куннинг ўзида ташкил этилиши режалаштирилган бўлиб, улар 2020 йил 14 августдан 20 августга бўлиб ўтади. Қабул жараёнлари ва имтиҳонларнинг шаффоф, адолат тамойиллари асосида ўтишини таъминлаш мақсадида барча хоналарга видеокузатув ускуналари ўрнатилган, институт сайти орқали тўғридан-тўғри трансляция қилиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ТАҚИ томонидан 2020-2021 ўқув йили учун қабул жараёнларига пухта тайёргарликлар қўрилган бўлиб, ҳозирги кунда бу борадаги ишлар жадал равишда давом эттирилмоқда. Булардан ташқари, қабул жараёнига оид барча маълумотларни абитуриентлар институтининг [www/taqi.uz](http://taqi.uz) расмий сайтидан олиш мумкин.

Наргиза МПРЎУБОВА, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

# Сўх туманида янги «Рушной» нимстанцияси фойдаланишга топширилди

Маълумки, бугун Сўх туманида Республика ҳукумати ва БевоСИТА Президентимизнинг эътибори ва ташаббуси туфайли ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш бўйича қатор амалий ишлар бажарилмоқда.


Айниқса, туманда электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммо ва камчиликлар босқичма-босқич ҳал этилиб, аҳолининг соҳа ходимларидан миннатдорлиги ошаётгани эътиборга моликдир.

Хусусан, олиб борилган кенг қамровли ишлар натижасида кўни кеча Сўх туманида электр энергияси етказиб берувчи яна битта – янги «Рушной» нимстанцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда янги 35/10 кВли нимстанциянинг улаш-созлаш ишлари охирига етказилиб, 3-сектор таркибига кирувчи «Қизилқийёк» МФЙ аҳолиси учун бу унутилмас тарихий воқеага айланди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, жорий йилда Сўх тумани истеъмолчиларининг электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида 110/35/10 кВли «Девайрон» нимстанциясида 16 000 кВли Т-2 куч трансформатори ишга туширилиб, кучланиш берилди. 110/35/10 кВли «Тул» нимстанциясида 10 000 кВли Т-1 куч трансформатори ҳамда электр қурилмалари мукамал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, туман ҳудудидоги «Газнов», «Сўх», «Шарқобод» нимстанцияларида ҳам таъмирлаш ва демонтаж ишлари олиб борилиб, аҳоли учун электр энергия таъминотида қўшимча қулайликлар яратилди.

Нимстанция фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тақдирим маросимида маҳалла нурунийлари, вилоят соҳа вакиллари ва туман ЭТК ишчи-ҳодимлари қатнашди.

Тадбирда иштирок этган туман ҳокими Сайидбахром Сайидмусоев бугунги кунда Президентимиз раҳнамолигида туман миқёсида асрга татиғулик ишлар олиб борилаётгани, хусусан, ҳудудда биргина электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида гапирар экан, айни кунгача ҳудудда электр энергияси таъминотини яхшилаш учун давлат ҳисобидан 3 миллиард 528 миллион сўм маблағ сарфлангани, янги нимстанциянинг фойдаланишга топширилиши билан қўшимча 16 000 кВла қувват яратилиб, 15 000 нафардан



зиёд истеъмолчининг электр энергиясига бўлган талаби қондирилишига алоҳида тўхтади.

Карантин талабларига тўла риоя этган ҳолда янги нимстанциянинг фойдаланишга топширилиши маросими кузатув биносига ўрнатилган замонавий чироқнинг порлаши билан бошланди. Туман электр таъминоти корхоналари ишчилари томонидан берилган старт барча иштирокчиларнинг кўнглига байрамога қайфият улашди десак, муболаға бўлмайд.

– Ҳақиқатан ҳам, бугун мамлакатимизда пандемияга қарши кураш кетаётган бир пайтда, туманимизда Юртбошимизнинг раҳм-рўзқари туфайли эътироф этишга арзиғулик ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, бизнинг маҳалламизда мавжуд трансформаторларнинг маънан эскирганлиги ва паст кучланишда бўлганлиги сабаб шу кунга қадар туман миқёсида электр энергияси таъминотида қатор муаммолар юзага келган. Энергетикалимиз сайёҳ-харакатли туфайли иккинчи сектор ҳудудидоги Сариканда маҳалласининг бир қисми, Қизилқийёк, Шарқобод, Хушёр, Себзор, Қақир маҳаллалари ўзларининг нимстанцияларига эга бўлишди. Мен бутун учинчи сектор аҳолиси номидан муҳтарам Президентимиз, қолаверса соҳа захматқўшчиларига бунинг учун ўзининг миннатдорлигини билдирмоқчиман, – деди тадбирда сўз олган отахон Тўйчибой Сафархўжаев.

Дарҳақиқат, янги «Рушной» нимстанцияси маҳаллий аҳолига ҳақиқий рушнолик бағишлаб, уларнинг нури манзиллар сари илдам оқимлашига хизмат қилишига ишонамиз.

Дилфуза ҲАБИБОВА, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Бугун маҳалла фаолияти асосий икки омил – «Обод маҳалла – хавфсиз маҳалла» мезони асосида қайта йўлга қўйилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкил этилиши эса – маҳалла тизими ходимларининг фаолиятида мутлақо янги, амалий натижаларга асосланган туб бурилишларга сабаб бўлмоқда.

# Янги гузарлар аҳоли фаровонлигига хизмат қилади

Маҳалла идоралари ходимлари ҳар бир оилани яхши билган ҳолда, ҳам таъминланган фуқароларни эҳтиёжмандлик даражасидан чиқариш, камбағалликка оид кўрсаткичлар сонини камайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини яратиб борасида кенг қамровли фаолият олиб бормоқдалар.

– Барча ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Обод маҳалла – хавфсиз маҳалла» концепцияси асосида махсус чора-тадбирлар дастурини белгилаб олганмиз, – дейди Тошкент вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари Низом Сунонов. – Айниқса, тизимни малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг самарали фаолият юритишлари учун бинолар қурилиши, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Шунга мувофиқ, вилоят бошқармасига 25 нафар, шаҳар ва туманлар бўлиmlарига 176 нафар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида 4 160 нафар малакали кадрлар шакллантирилди.

Тизимда иш самарадорлигини ошириш мақсадида маҳалла фуқаролари йиғинлари ходимлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш муҳим омиллардан. Шу сабабли ҳам ҳудуддаги 22 та шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган МФЙ бинолари ҳолати ўрганиб чиқилди.

Вилоятдаги 1 042 та фуқаролар йиғинларининг 367 таси ҳозирда ўз биноларига эга бўлиб, 673 таси ўзларига тегишли бўлмаган биноларда фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди Тошкент вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўлими бош мутахассиси Раҳим Маҳаматов. – Маҳалла фуқаролар йиғинларини янги бинолар билан таъминлаш мақсадида 2020-2022 йилларга мўлжалланган Манзилли дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг доирасида вилоятда жами 675 та маҳалла идораларида қурилиш-реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган. 2020 йилнинг ўзида 147 та объектлар қурилиши белгиланиб, уларнинг 105 таси хусусий-шериклик ва яна 42 таси давлат бюджетни ҳисобидоги маблағ асосида барпо этилади. Жумладан, Ангрэн ва Олмалик шаҳарларида 1 та, Бекobodда 10 та объектда қурилиш-реконструкция ишлари олиб борилаётган бўлса, Оҳангарон ва Қуйи Чирчиқ туманларида 1 тадан маҳалла бинолари, шунингдек, Покентда 3 та, Паркентда 18 та, Бўстонлик ва Ўрта Чирчиқда 2 тадан, Юқори Чир-

чиқ туманида эса 8 та МФЙларнинг янги бинолари қурилиб, реконструкция қилинмоқда. Ушбу қурилиш иншоотларининг аксариятида ҳозирги кунда том ёпиш ишлари якунига етказилиб, уларнинг ички ва ташқи пардоз ишлари, жиҳозлаш тадбирлари бошлаб юборилди. Замонавий кўринишда қад ростлаётган бинолар барча қулайликларга эга. Бу ерда маҳалла идорасининг ходимлари, мурожаат этиб келаятган фуқаролар учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилади. Маҳалла гузарларининг аксарияти икки қаватли бўлиб, биринчи қавати маҳалла идораси бўлса, иккинчи қаватда эса турли маиший хизмат кўрсатиш хоналари, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўқув курслари ва тўғарақлар, спорт секциялари фаолияти ташкил этилади.

«Ўзбекистон Республикасига короновируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссиясининг йиғилиши баёнига асосан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан ҳудуддаги 22 та шаҳар ва туманларда ҳоимийлик хайриятларини мувофиқлаштириш марказлари ташкил этилган бўлиб, улар томонидан кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Минг оиллага – минг туҳфа» шиори остида хайрия тадбирлари амалга оширилди. Натижада 846 та оиллага 713 та бузоқли қорамол, 89 та қўй ҳамда 1 100 та товуқ тарқатилди. Томорқадан самарали фойдаланган ҳолда кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 499 та оилаларга 9 млрд 714 млн сўмлик имтиёз кредитлар ажратилишида кўмаклашилди.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам «Жонажон юртим ободлигига ўз хиссамни қўшаман» тадбири доирасида «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» шиори остидаги сайёҳ-харакатлар бошлаб юборилган. Унга кўра, кўча ва маҳаллалар обод ҳолга келтирилиб, хонадонлар таъмирланди, дархатларга шакл берилиб, оқланди, шунингдек, ариқ-зовурлар қовланиб, маиший чиқиндилар олиб чиқилди. Маҳаллалардаги болалар ва спорт майдончалари, зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди. Қувонарлиси, мана шундай эзгу амаллар самарасида халқимиз турмуш фаровонлиги ортиб, юртимиз жамоли тубдан янги-ланмоқда.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

**СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ**

Республика Узбекистан

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

Строительство подъездных и внутримассивных дорог

Форма финансирования: Истисна'a

ПРОЕКТ № УЗБ-1004

№ конкурсных торгов 2020-03

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения и канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР ООО ИК «Кишлоқ қурилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 1,646 км подъездных и внутримассивных дорог в сельской местности Навоийской области.

Срок строительства составляет – 4 (четыре) месяца.  
2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в Руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

Навоийская область  
Адрес: г. Навои, ул. Зарапетян, 1.  
Телефон: (79) 220-50-03.  
Факс: (79) 220-50-04.

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платёжного поручения из банка (о невозмещаемой оплате в размере одной МЗРП).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счёт организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.  
Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:

Навоийская область  
Банк: Навоийский городской филиал АКИБ «Ипотека банк»  
Р/с: 2021 0000 8039 0394 6001  
ИНН: 202 615 785

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.  
7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2% от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.  
Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:

Навоийская область  
Адрес: г. Навои, ул. Зарапетян, 1.  
Телефон: (79) 220-50-03.  
Факс: (79) 220-50-04.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

**ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-03**

**ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ**

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

№ Лота	Наименование района	Наименование массива	Протяженность дороги (п.м.)	Срок строительства	Крайний срок подачи
по Навоийской области			1646	4 месяца	13 августа 2020 года, 11.00
ИБР-94	Кызылтепинский	«Бунёдкор»	735		
	Карманский	«Маликрабод»	911		

Область	№ Лота	Требуемый среднегодовой оборот (млн сум)	Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум)	Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум)	Общий опыт работы (год)	Выполнение земляных работ в объёмах по крайней мере м <sup>3</sup> в течение одного года	Выполнение бетонных работ по строительству искусственных сооружений (подпорные стенки, бордюры, ж/б лотки, прямки, мосты, ж/б опоры и т.д.) в объёмах по крайней мере м <sup>3</sup> в течение одного года		Завершённое строительство автомобильных и внутримассивных дорог	
							общей площадью не менее м <sup>2</sup>	общей протяжённостью не менее п.м.	общей площадью не менее м <sup>2</sup>	общей протяжённостью не менее п.м.
Навоийская	ИБР-94	2 300,00	400,00	1 200,00	3	5 000	300	10 000	2 000	

**СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ**

Республика Узбекистан

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

Поставка, установка и шеф-монтаж локального очистного сооружения (ЛОС) и

строительство сетей канализации

Форма финансирования: Истисна'a

ПРОЕКТ № УЗБ-1004

№ конкурсных торгов 2020-04

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения и канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР ООО ИК «Кишлоқ қурилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для поставки, установки и шеф-монтажа локального очистного сооружения (ЛОС) ёмкостью по 50 м<sup>3</sup> и строительство 376 п.м. сетей канализации в сельской местности Навоийской области.  
Срок строительства составляет – 3 (три) месяца.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в Руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

Навоийская область  
Адрес: г. Навои, ул. Зарапетян, 1.  
Телефон: (79) 220-50-03.  
Факс: (79) 220-50-04.

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного заявления на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платёжного поручения из банка (о невозмещаемой оплате в размере одной МЗРП).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счёт организатора конкурсных торгов – Территориального консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве.  
Ниже представлены реквизиты его банковских счетов:

Навоийская область  
Банк: Навоийский городской филиал АКИБ «Ипотека банк»  
Р/с: 2021 0000 8039 0394 6001  
ИНН: 202 615 785

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.  
7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2% от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.  
Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:

Навоийская область  
Адрес: г. Навои, ул. Зарапетян, 1.  
Телефон: (79) 220-50-03.  
Факс: (79) 220-50-04.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

**ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-04**

**ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ**

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

№ Лота	Наименование района	Наименование массива	Локальное очистное сооружение (ЛОС) ёмкостью 50 м <sup>3</sup>	Протяженность сетей канализации (п.м.)	Срок строительства	Крайний срок подачи
по Навоийской области			1	376	3 месяца	3 августа 2020 года, 11.00
ИБР-93	Кызылтепинский	«Бунёдкор»	1	376		

Область	№ Лота	Требуемый среднегодовой оборот (млн сум)	Требование к наличию финансовых ресурсов (млн сум)	Контракты аналогичного объёма и характера (млн сум)	Общий опыт работы (год)	Завершение поставки, установки и шеф-монтажа ЛОС не менее — единиц, за последние 3 (три) года	Земельные работы в объёмах по крайней мере (м <sup>2</sup> )	Бетонные работы в объёмах по крайней мере (м <sup>3</sup> )	Завершение укладки сетей канализации из неметаллических труб диаметром от 160 до 200 мм по одному контракту за последние 3 (три) года	
									со скоростью не менее п.м. за один месяц	протяжённостью более п.м.
Навоийская	ИБР-93	1 400,00	250,00	750,00	3	3	2 000	50	500	1 000

**БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ Хоразм филиали**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Т/р	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хоразм вилояти, Шовот тумани, Қирғоқ бўйи маҳалласи худудида қурилган кўп қаватли уйлар учун қуриладиган локал оқова сув тозалаш иншооти қурилиши	1 887 005 929	120

Буюртмачи: «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ Хоразм филиали.  
Манзили: Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 36/2-уй.  
Тел.: 62-224-16-65.  
Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.  
Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан 2020 йил 24 июль куни, соат 10.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Урганч шаҳар П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.  
Таклифларни очиш қуйидаги манзилда тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин, 2020 йил 27 июль куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади: Урганч шаҳар Хонқа кўчаси, 36/2-уй.

**БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

Т/р	Объект номи	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда	Қурилиш муддати, календарь кун
1.	Хоразм вилояти, Тупроққалъа тумани, Питнак шаҳридаги мавжуд ҳокимият биносини реконструкция қилиш	5 026 367 557	150

Буюртмачи: Хоразм вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.  
Манзили: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.  
Тел.: 62-22-3-09-29.  
Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.  
Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларига, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.  
Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин: Урганч шаҳар П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.  
Тел.: 62-228-51-99.  
Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталдан юклаб олишлари мумкин.  
Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан 2020 йил 24 июль куни соат 16.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Урганч шаҳар П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.  
Таклифларни очиш қуйидаги манзилда тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ун беш) кундан кейин, 2020 йил 24 июль куни, соат 16.00 дан бошлаб бўлиб ўтади: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.  
Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.

**Мактаб қурилишида**

**ИШ ҚИЗГИН**

«Қаюмов строй инвест» ҳамда «Соғда Зарафшон сувқурилиш» қурилиш ташкилотлари Самарқанд шаҳридаги 71-умумий ўрта таълим мактабининг қурилишини жадал суръатларда олиб боришмоқда.

Бугунги кунда ўқув корпусларининг пойдеворлари билан боғлиқ ишлар тугатилиб, ёшт босиш ишлари бошлаб юборилди. Айни вақтда қурувчилар таълим муассасасини белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш мақсадида туну кун меҳнат қилишмоқда.

**Яна бир ДХМ биноси аҳолига**

**хизмат қилишни бошлади**

Давлат хизматлари марказлари жойларда ўз хизматларини кўрсатиш жараёнида халқимизнинг эътирофига сазовор бўлаётгани айни ҳақиқат.

Куни кеча Богот туманида Давлат хизматлари марказининг янги биноси қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди. Бинода аҳолига барча қулайликлар яратилган бўлиб, энг сўнгги русумдаги техник воситалар билан таъминланган. Шунингдек, кутубхона, ёш болалар оналар фарзандлари учун уйинчоқлар билан тўлдирилган махсус хона, овқатланиш хоналари, инвесторларга хизмат кўрсатиш хонаси, кутиш зали қабилад таъмир қилинган хизматига шай. Электрон навбат тизими 4 та мониторда акс этиб туради. Интернетда уланшиш учун бепул Wi-fi тизими ўрнатилган.  
Марказга таъмир қилинган қулай шароитларда хизмат кўрсатилади. Бинога киришингиз билан сизнинг рўйхатга олиш бўлимида хушмуомала ходимлар яхши кайфият билан кутиб олишади.  
Аҳолининг давлат хизматларига бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш муҳтарам юртбошимизнинг «Халқимиз биздан рози бўлса, ишимизда барак ва унум бўлади» деган ибратли сўзлари ўз ибодтини топаётганидан далолатдир.  
Бино очилишида Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод Эрманов қатнашиди.  
Ўз муҳбиримиз.

Юртимизда карантин чекловлари янада кучайтирилди. Тўғриси, ҳатто энг одамови ва ёлғизлишни ёқтирадиганлар ҳам бундай чекловлардан зада бўлгани рост. Бироқ, вазиятнинг шундай мураккабланишига ўзимиз сабабчи бўлмадикми!?

## Энди бепарволикка ҳаққимиз йўқ

Хатарли касаллик мамлакатимизга кириб келган дастлабки кунларда халқимизни бу балодан омон сақлаш учун зарур барча чоралар кўрилди. Беморликда шубҳаланганлар қатъий карантинга олинди. Коронавирусга чалинганлар, ҳатто касаллик аломатларисиз кечаётганлар зудлик билан шифохоналарга ётқизилди. Кўмак сўраган, эҳтиёжманд оила борки, бағрига озиқ-овқат маҳсулотлардан иборат моддий ёрдам кўрсатилди.

Кунлар исига, касаллик ортага чекинишига умид билдирган эдик. Лекин, мутацияга учраган COVID-19 ўз хоссасини ўзгартириб, яна мослашувчан, яшовчан, ўта хавфли, тез юқадиган бўлиб қолгани аён бўлмоқда.

огоҳлангандан-да, кассага ҳисоб-китоб қилиш учун барча ғўжон бўлиб олган. Талаб этилаётган икки метрлик ижтимоий масофа бу ерда йигирма сантиметр ҳам келмайдими!

Тахминан уч-тўрт кунларча аввал электр энергияси пулини тўлаш учун банкка киргандим. Одамларнинг ўзини ғўки ҳеч нима бўлмаганидек тутиши ажабланганди. Кимдир иши беш кундан бун битмаётганини пеш қилиб, ўзини банк ходими ўтирган дарчага уради. Бошқиси навбатнинг охирини кўра-била туриб, тиқилинч жойга, «очередь бошига» атайин суқилади. Навбат кутишни ҳеч ким истамайди. Барча биринчи!

Яшириб нима қилдик, бу каби

ри, ойнажаҳон орқали кўриб, билиб турибмиз.

Масалан, 97 миллион аҳолиси бўлган Вьетнамда карантин қоидаларига сўзсиз амал қилиниши натижасида атғи 300 нафар «COVID-19» билан оғриган бемор аниқланди. Одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига йўл қўйилмади.

АҚШда мажбурий ўз-ўзини яқалаш тартибига риоя этмай, вирус юқтирган шахсларни 100 минг долларлик жарима солиш ёки қамоқ жазосига ҳукм этиш белгиланди. Малайзияда вирус хавфи тобора ортаётганини сезган одамларнинг ўзи интернет орқали карантин муддатини узайтириши талаб этиб имзо тўпламоқда.

Франция, Польша, Чехия, Норвегия, Австралия, Аргентина, Мальта каби давлатларда карантин қоидаларини бузганлик учун анчагина салмоқли миқдордаги жарима белгиланган. Исроилда карантин қоидасини бузиш 3 йилдан 7 йилга қамоқ билан жазоланади. Хитойда карантин пайтида ўзининг касаллигини била туриб, кўчада юрган одамга жиноий жавобгарлик белгиланган.

Карантин кучайтирилиши юртимизда мажбурий чора сифатида қўлланилди. Негаки, бепарволик сабаб кунига 300-400 дан ортиқ хавфли вирусга чалинган бемор аниқланяпти. Касалланганларнинг ҳаётдан кўз юмиш ҳолати кўпайди. Аҳвол шу тарзда кетса, минг ўринли шифохона уч-тўрт куннинг ўзида тўлиб кетиши, тиббиёт ходимлари ҳеч нарсага улгурмаслиги, наинки бутун бошли соғлиқни сақлаш тизими, иқтисодий ҳам танг аҳволда қолиши, издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмаслигини воқеалар жараёнидан осонгина англаш мумкин. Айтиш, тасаввур этиш, кўз олдимизга келтириш қанча оғир, қўрқинчли бўлса-да, бироқ бу бор ҳақиқат.

Шундай экан, бепарво бўлишга, бемақсад кўча-кўйда тентирашга, ўзимиз, яқинларимиз, қордошларимизнинг соғлигини, инсонга атиги бир марта ато этилган умрини хатарга қўйишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ!

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Коронавирусни баҳона қилиб ходимни ишдан бўшатиш мумкинми?

Айрим ҳолларда иш берувчи ходимларни коронавирус инфекцияси тарқалаётганини баҳона қилган ҳолда ишдан бўшатишга мажбурлаётгани ёки янги ходимларни ишга қабул қилмаётгани каби гап-сўзлар тарқалмоқда. Бу қанчалик тўғри?

ЎЗА мухбири Шаҳноза МАМАТУРОВАнинг бу борадаги саволларига Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин МУҲИТДИНОВ жавоб берди:

— Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони 16-бандига мувофиқ, коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади. Бошқа ҳолатларда Меҳнат кодексининг 97-моддасида белгиланган шартлар асосида ходим билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилишга йўл қўйилади.

Пандемия даврида ходимларнинг иш фаолиятини давом эттириш мақсадида Адлия вазирлигидан 3228-сон билан рўйхатдан ўтган Низомга мувофиқ, иш берувчилар ходимларнинг розилиги билан уларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш жадвалида ёки уйда ишлашга ўтказиши мумкин.

Масофавий иш усулида, мослашувчан иш жадвалида ёки уйда ишлашга ўтиш ҳуқуқидан биринчи навбатда ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган шахслар ва сурункали касалликларга чалинган ходимлар фойдаланади. Ходимни масофавий ишга вақтинчалик ўтказиш тўғрисидаги буйруққа иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгартиришлар асос бўлади ва бу ҳақда муддатли қўрсатилган буйруқ чиқарилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, пандемия даврида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига фуқаролардан 8 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 1 минг 119 ноқонуний ишдан бўшатиш, 2 минг 901 иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик, 1 минг 114 таътилар бериш тартибига доир қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Вазирлик Давлат меҳнат инспекцияси томонидан мурожаатларни қисқа муддатда ўрганишга ва қаноатлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун мурожаатларни масофадан ўрганиш ва қонунбузилишлар аниқланганда тегишли чоралар қўллаш ҳамда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартиби жорий этилган.

Пандемия даврида 8 мингдан ортиқ мурожаатнинг 3 минг 547 таёси қаноатлантирилган ва 4 минг 550 таёси тегишли маслаҳатлар берилган. 137 мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган.

— Пандемия сабабли айрим ташкилотларда ходимлар ойлги қисман қисқарди. Сабаби сўралганда, коронавирус билан боғлиқ вазият туфайли ойллик қисқарганлиги айтилмоқда. Бу тўғрими?



Кўзга кўринмас бало ўзгардию лекин биз одамлар ўзгармадик. Карантин чекловлари май ойда секин-аста юмшатилиши билан кўча-кўйда гурра-гурра бемақсад тентираб юрганларни учратиш одат тусига кирди. Онахону келинларнинг тугун кўтариб тўй-тадбирларга, туғруку йўқловларга бориши, эркакларнинг гап-таштак авж олди.

Дўконларда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш санаси билан танишиб улгурмай, ёнгинангизда яна тўрт харидор тўпланади. Эҳтимолки, минг марта масофа сақланиши ҳақида

ўзибўларчиликларга, бепарволик, бамайлихотирликка бозорда ҳам, супермаркетларда, турли ижтимоий объектларда гувоҳ бўлдик. Ёшлар тун қадар кўп қаватли уйлар атрофида тўпланиб, «дом»ни бошга кўтариб, «ҳиринг-хиринг» қилганида, тартибга чақирадиган, танбех берадиган одамнинг ўзи топилабди. Ниқоб тақмаган кўп, уни даҳанига тушириб олган, нотўғри таққан ундан ҳам бисёрлигига баримиз кўз юмдик. Ваҳоланки, бундай ҳолатлар юз берганида хорижий давлатларда тегишли қатъий чоралар қўрилаётганини чет эл сайтла-

## Воҳада карантин зонаси тайёр ҳолга келтирилди

Коронавирус пандемияси таъсирдан одамларни асраш ва тезроқ бу касалликни бартараф этиш учун Сурхондарё вилоятида ҳам барча куч ва воситалар сафарбар этилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва бошқа объектларни мавжуд вазият тақозосидан келиб чиққан ҳолда зудлик билан куриш бўйича олиб борилаётган ишлар ушбу вилоятда ҳам ўзининг амалий натижаларини бермоқда.

Жумладан, Термиз туманининг Қорахон маҳалласида 1000 кишини қабул қилишга мўлжалланган карантин зонаси ҳамда 100 ўринли махсус шифохона курилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.



Ҳозирда махсус жиҳозланган контейнерлардан иборат карантин зонаси фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилди. Яқунлиши арафасида турган шифохона эса энгил конструкциялар асосида барпо этилмоқда.

Умумий майдони 15 гектарни ташкил қиладиган ушбу комплексда шифокорларга алоҳида хона, жарроҳлик, жонлантириш бўлими, муолажа хоналари, тиббиёт бўлимларидан ташқари карантин ҳудудига келтириладиганлардан шу ернинг ўзида таҳлил олиш учун лаборатория, дорихона, ошхона, кир ювиш бўлими, утилизация бўйича алоҳида жой ҳам қурилмоқда. Вентиляция, тиббий кислород етказиб бериш, коммуникация тизимлари замонавий тарзда жиҳозланади. Қурилиш майдонига электр энергияси, газ, сув тармоқлари тортиш бўйича ҳам ишлар юқори суръатда ташкил этилган.

Карантин ҳудудини яратишда барча санитар-гигиеник нормалар ҳисобга олинган. Махсус шифохона комплексининг пойдевор ишлари яқунлиб, энгил конструкциялар асосида бино деворлари ҳам битказилди. Қурилиш ишлари 2 сменада ташкил қилинган бўлиб, 200 нафарга яқин курувчи меҳнат қилмоқда. Айни кунда хоналар таъмири ҳам параллел равишда олиб борилмоқда.

Бунёдкорларимиз заҳматидан қад ростлаётган бу маскан қисқа фурсатларда фойдаланишга топширилади.

ЎЗ мухбиримиз.

Галлаорол ҳамда Шароф Рашидов туманларида ички ишлар бўлиmlарининг янги бинолари фойдаланишга топширилди.

## Иккита бўлинма янги бинога эга бўлди

Биноларнинг очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов Галлаорол тумани ички ишлар бўлими 5-сонли ички ишлар бўлимидаги шароитлар билан танишди ва бу ерда самарали хизмат олиб бориш учун барча имкониятлар мавжудлигини эътироф этди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, 1975 йилда барпо этилган ва мослаштирилган барак типидagi иморатда фаолият юритар эди. 2019 йилнинг ноябрь ойида мазкур иншоот бузиб ташланиб, ўрнида қисқа муддатларда замон талабларига мос бино бунёд этилди. Чунинки, навбатчилик қисми, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳи, жиноят қидирув бўлими ходимлари ҳамда профилактика инспекторлари хоналари меҳнел ва алоқа воситалари билан таъминланди.

Худди шундай, бўлинмадаги ситуация марказга уланган 16 та видеокузатув курилмалари орқали ҳудуддаги аҳоли пунктларининг марказий кўчалари муттасил назорат қилинмоқда. Сўроқ, вақтинча ушлаб туриш ҳамда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хоналари видеокузатув ускуналари билан жиҳозланган.

Ушбу бўлинма шахсий таркиби томонидан 57 400 киши истиқомат қиладиган Хонимкўрган, Ғўбдин, Лалмикор, Маржонбулоқ, Оқтош, Қипчоқсув, Маҳмуд Коризий, Жийдали ва Гулчамбар аҳоли пунктларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилатири. Хусусан, ички ишлар органлари таянч пунктлари ва жамоатчилик назорати масканларидан туриб 50 та кўча ва гавжум жойлар видеокузатув ускуналари орқали назорат қилинмоқда.

Жиззах вилояти ИИБ ахборот хизмати.

Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси тажрибали курувчи, Олот туманидаги «Шарқ плюс» масъулия-чекланган жамияти раиси, «Дўстлик» ордени соҳиб, халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати **Ҳамробой Ҳайитбоевич ЧОРИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.